НАВРЎЗНИ ҚАРШИЛАБ

ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳрида соҳибқирон Амир Темур номи билан юритилувчи хиёбон барпо этилмоқда. Бу ерда фаввора ҳам бунёд этилади. Барча ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини Наврўз байрамигача тугаллашга ҳаракат қилинмоқда.

Юнус УЗОҚОВ.

Йўлларинг нурга тўлсин, болажон.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

КУННОМА

ягиликлар воқеалар хабарлар

Эртаки карамлар.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР

САМАРҚАНД. Тойлоқдаги "Боғизағон" ижара хўжалигида 31 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксариятига аёллар бошчилик қилади. Чунончи Ойимхон Раҳимова ишбилармонлар сардори. Унинг саъй-ҳаракати билан хўжалик марказида "Нилуфар" корхонаси очилган. Бу ерда ўн турда маиший хизмат кўрсатилмоқда.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 4 март, сешанба № 28 (22.112).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Алмати учрашуви: ОРОЛ ДАРДИ – ОЛАМ ДАРДИ

СУРАТДА: учрашув пайти. **Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Аввал хабар берганимиздек, 28 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига бағишланган олий даражадаги Алмати учрашувида иштирок этди.

Инсоният йигирманчи юз йилликда дуч келган энг улкан ва жиддий муаммолардан бири бу шубҳасиз, экология буҳронидир. Инсонларнинг табиат устидан ҳукмронлик қилишга уриниши, айниқса, собиқ Иттифоқ даврида Марказий Осиё республикаларидаги табиий ва сув заҳираларидан нотўғри, маҳаллий халқлар манфаатини писанд этмаган ҳолда фойдаланиш қандай оқибатга олиб келганини Орол денгизи қисматида кўриш мумкин. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1960 йилдан 1996 йилгача Орол денгизи ўзига табиат инъом этган 850 кубкилометр дарё сувини олгани йўқ. Денгиз сатҳи 16,5 метрдан зиёдга пасайди, сув ҳажми 75 фоизга қисқарди. Бир пайтлар шовуллаб мавж урган денгиз бугун иккига — катта ва кичик Оролга бўлинди ҳамда аввалги қирғоқларидан 33 минг квадрат километрга чекинган. Ушбу яйдоқланган денгиз тубидан йилига миллионлаб тонна қум тўзони кўтарилмоқда.

Табиийки, бу экологик ҳалокат нафақат Орол денгизи ҳавзаси, балки дунёнинг бошқа минтақалари атроф-муҳити ҳамда миллионлаб кишиларнинг ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Орол фожиасининг олдини олиш мамлакатимиз ҳаётидаги энг долзарб масалалар қаторидан ўрин олди. Албатта, собиқ империя қолдираган бу жароҳатдан қутулиш энди ушбу минтақа халқларининг чекига тушган эди. Бу ҳақда гап кетганда, баъзилар Орол денгизининг қуриши табиий жараён эди, дея важ кўрсатишни яхши кўришади. Лекин биргина «пахта монокультураси» оқибатларини бугун ҳеч ким рад эта олмайди. Қолаверса, Орол денгизи ўртасида «Борса келмас» деб аталадиган орол бор. Бир пайтлар жануб ва шимолга учаётган қушларнинг қўналғаси бўлган бу мўъжаз заминда ҳақиқий ҳаёт жўш урган. Айнан Шўролар даврида Орол кимёвий қуроллар синаб кўриладиган майдонга айланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг БМТ, ЕХҲТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар минбаридан туриб, Орол денгизи фожиасига жаҳон жамоатчилиги диққатини жалб этгани бежиз эмас. Зеро, бу экологик ҳалокат оқибатлари аллақачон халқаро аҳамият касб этганди. Ўзбекистон раҳбариятининг ана шу ҳаракатлари ўлароқ, 1995 йилда Нукусда БМТ ҳомийлигида Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш мавзусида йирик халқаро конференция, шунингдек, ЕХҲТ билан ҳамкорликда ҳам шу мавзуда бир қанча бошқа анжуманлар ўтказилди. Бундан ташқари, халқаро молиявий тузилмалар ҳамкорлигида Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда кишиларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича лойиҳалар ҳаётга жорий этилаётир.

Таъкидлаш керакки, Оролбўйидаги экологик вазиятдан энг аввало, бевосита шу ҳудуддаги давлатлар, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон кўпроқ азият чекаётир. Лекин, денгизни суғорадиган икки дарё Тожикистон ва Қирғизистон ҳудудларидан бошланади. Шу боис, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари денгиз ҳалокати оқибатларини биргаликда, ҳамжиҳат бартараф этиш учун саъй-ҳаракат кўрсатмоқдалар ҳамда бу масалани ҳал этишга БМТ, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар ва ривожланган **мамлакатларни ҳам кенг жалб этишга интилмоқдалар.**

Шу ўринда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол денгизи муаммосига бағишланган олий даражадаги учрашувлари ҳақида қисқача маълумотга тўхталсак. Маълумки, Орол масаласидаги илк саммит 1993 йили Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилоятида ўтказилди. Иккинчи марта минтақа мамлакатлари раҳбарлари 1994 йилнинг январь ойида Нукусда йиғилдилар ва бу учрашув Оролбўйидаги вазиятни тиклашга киришиш йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлди, дейиш мумкин. Чунки унда Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш ва унинг ижроия қўмитаси, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг молиявий базасини минтақадаги бешта давлат томонидан тўланадиган дастлабки кириш бадали, йиллик жорий бадаллар ва донор мамлакатлар кўмаги ташкил этади. 1995 йилнинг март ойида қўшни Туркманистондаги Тошҳовуз вилоятида Президентлар учинчи бор йиғилдилар. Шундай қилиб, Алмати саммити Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг **Орол денгизи масаласи бўйича тўртинчи йиғилиши бўлди.**

Табиийки, Орол дардига сўз, турли қарор ва ҳужжатлар билан малҳам қўйиб бўлмайди. Шу боис, ўқувчида мазкур масала кун тартибига қўйилгандан буён қандай ўзгаришлар бўлди ва ўтказилган кўплаб халқаро анжуманлар қандай аниқ натижа берди, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Аввало, айтмоқ жоизки, кўп марта такрорланганидек, Орол денгизи ҳалокатларини бартараф этиш масаласи ўз кўлами жиҳатидан мазкур минтақа давлатлари иқтисодий имкониятидан юқори туради. Мустақилликнинг тарихан қисқа муддати — бешинчи йилни ортда қолдираётган ушбу мамлакатлар энг оғир синов — иқтисодий ўтиш даврини бошдан кечираётир. Орол ҳавзасидаги экологик буҳроннинг олдини олиш учун эса уни халқаро муаммо даражасига кўтариш керак эди. Ушбу мулоҳазадан келиб чиқиб, дадил айтиш мумкинки, ўтган давр ичида айни шу мақсадга эришилди. Яъни, Орол муаммосига нуфузли халқаро ташкилотлар, ривожланган давлатлар, қўйингки, жаҳон жамоатчилиги эътибори жиддий ва узоқ вақтга жалб этилди.

Лекин мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугунга келиб Оролбўйидаги табиий аҳволни соғломлаштиришга қаратилган дастурнинг тезроқ амалга оширилиши энди Жаҳон банкидан кўра, кўпроқ давлатлараро кенгаш тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатишига ҳам боғлиқ бўлиб қолаётир. Шу боис, Алматидаги Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари учрашуви кун тартибидан давлатлараро кенгаш тузилмаларини қайта ташкил этиш масаласи ўрин олди. Давлатлараро кенгашнинг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасининг бошқаруви тизими, унинг фаолияти ва президентини сайлаш, жамғарма бадалларини тўлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, Жаҳон банки билан ҳамкорликда тайёрланган Оролбўйидаги экологик вазиятни соғломлаштириш ҳамда яқин келажакдаги устувор йўналишлар дастурлари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Жаҳон банкининг вице-президенти Йоханнес Линн Орол муаммоси бўйича ўз ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ва 2000 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлар билан давлатлар раҳбарларини таништирди. Булар учта йўналишдан иборат бўлиб, биринчиси сув омборлари ва ҳавзаларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда хавфсизлигини таъминлашда минтақа давлатларининг ўзаро келишиб иш тутиши, иккинчиси сувдан оқилона фойдаланиш, охиргиси сувнинг шўрланишига қарши курашишдир. Ушбу талаблар бажарилган тақдирда Оролбўйини тиклаш борасидаги лойиҳаларга донор мамлакатлар ажратадиган сармоялар кўпайиши мумкин. Биргина Жаҳон банки келгуси беш йил давомида бу борадаги лойиҳаларга 380 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфлашни кўзда тутган.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Жаҳон банки дастури ҳақида фикр билдириб, тўртинчи устувор йўналиш сифатида ижтимоий омилни белгилаш тўғрисида таклиф қилди. Оролбўйидаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, уларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб қолиши керак, таъбир жоиз бўлса, гап бу ерда инсоният насли, келажак авлод ҳақида кетяпти, деди Ислом Каримов. Мамлакатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилиш қатнашчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Давлатлараро кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасининг Раиси этиб сайланди. Бу вазифани Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев уч йилдан буён бажариб келар эди. Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан **тегишли қарорлар қабул қилинди.**

Давлатлараро кенгаш тузилмалари қайта ташкил этилганидан сўнг қуйидагича кўриниш олди. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгашни ташкил этади. Мазкур кенгаш Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармаси президентини бир йил муддатга сайлайди. Жамғарма президенти айни пайтда ҳар бир мамлакат Бош вазирларининг биринчи ўринбосарлари даражасидаги жамғарма бошқарувига раҳбарлик ҳам қилади. Мазкур жамғарма ижроия қўмитасига эга бўлиб, унинг раиси уч йиллик муддатга тайинланади. Жамғармага тўланадиган жорий йиллик бадаллар ҳар бир мамлакат бюджетининг **0,3 фоизи миқдорида белгиланди.**

Учрашув якунида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Алмати Декларацияси қабул қилинди. Президентлар мазкур ҳужжатда 1998 йилни БМТ ҳомийлигида Марказий Осиёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йили ҳамда минтақамизни ядросиз ҳудуд, деб эълон қилишга келишиб олдилар. Ушбу чақириқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб кутиб олиниши ҳамда минтақадаги экологик аҳволни яхшилашда ўз таъсирини кўрсатиши шубҳасиз.

Президентлар шу куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларнинг олий даражадаги учрашув якунларига оид савол-ларига жавоб қайтардилар. Табиийки, унда Марказий Осиё минтақасига, бевосита дахлдор яна бир масала — Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий ҳолат журналистларнинг назаридан четда қолмади. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов шу ҳақдаги саволга жавоб берар экан, Президентлар бу борада ўзаро фикр алмашганларини қайд этди. Куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерацияси мудофаа вазирларининг кенгашида Афғонистондаги вазият туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган беқарорликни олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама этилганини таъкидлади.

Алмати учрашуви Оролбўйидаги экологик аҳволни яхшилаш, миллионлаб кишилар ҳаётига дахл қилувчи буҳрон оқибатларини бартараф этишда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг якдиллиги ва бу борадаги ишларни жонлантиришга нақадар зарурият сезишини кўрсатди. Зотан, бу ерда илк бор Орол дарди — олам дардига айлангани, демак, амалий ишга ўтиш мавриди келгани эътироф этилди.

* * *

Мамлакатимиз раҳбарининг Алматига сафари давомида Президентга Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

Муҳаммад ШАРИФ,
ЎзА махсус мухбири.

АЛМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Биз, қардош давлатлар — Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси Президентлари,

— Мамлакатларимиз мустақиллиги ва истиқлолини мустаҳкамлашга, халқларимиз турмуш даражасини оширишга интилган,

— Экология хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг стратегик компонентларидан бири ва Марказий Осиё давлатлари манфаатлари ҳамда устуворликларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим жиҳати эканига асосланган,

— Орол денгизи ҳавзасидаги экологик ҳалокат муаммоси жаҳоншумул аҳамият касб этиб, бу муаммони ҳал қилишни кечиктириб бўлмаслигини эътиборга олган,

— Орол минтақасидаги фавқулодда экологик вазият нафақат Орол денгизи ҳавзасида, балки сайёрамизнинг бошқа минтақаларида ҳам табиий муҳитга ҳамда миллионлаб кишиларнинг турмуш шароитига салбий таъсир қилаётганини ҳисобга олган,

— БМТнинг атроф-муҳит бўйича жаҳон дастури («XXI аср кун тартиби») қоидаларига риоя қилишимизни тасдиқлаган, Марказий Осиё мамлакатларини барқарор ривожлантиришга доир ягона стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муддаосини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган,

— Мамлакатларимиз ҳудудларидан ўтадиган дарёларнинг сув ресурсларини бошқаришга экологик тизим асосида ёндашиш лозимлигини, бу сув ресурслари ўзаро зарар етказмайдиган, адолатли ва оқилона бошқарилиши кераклигини эътироф этиб, халқаро ва давлатлараро даражада кенг кўламли ҳамкорлик юзасидан илгари қабул қилинган мажбуриятларни тасдиқлаган,

— Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги, Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудуд деб эълон қилиш зарурлиги ҳақидаги шартномани имзолаган мамлакатларимизнинг яқдил фикрини ифодалаган,

— Орол денгизи ҳавзасидаги экологик танглик оқибатларини бартараф этиш йўлида ҳамкорликда ҳаракат қилишга интилган ҳолда, 1997 йил 28 февраль куни Алмати шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда қуйидагича

БАЁНОТ БЕРАМИЗ:

1998 йил Марказий Осиё минтақасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йили деб **эълон қилинсин.**

Барча манфаатдор мамлакатлар Семипалатинск полигонининг 50 йиллиги арафасида Марказий Осиёни минтақадаги бошқа давлатларнинг ҳам қўшилиши мумкин бўлган очиқ ядросиз зона, деб эълон қилиш ғоясини қўллаб-қувватлашга **даъват этилсин,**

Марказий Осиё давлатларининг жиддий иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, Орол денгизи ҳавзаси, Семипалатинск полигони теграси ва ядро синовлари таъсир этган бошқа ҳудудларда экологик вазиятни соғломлаштириш юзасидан катта куч сарфлаётгани алоҳида **қайд этилсин,**

Орол муаммосини, Марказий Осиёда ядросиз ҳудуд барпо этиш ҳамда ядро технологиялари ва хом ашёси тарқалиб кетишига қарши курашни ҳисобга олган ҳолда экология хавфсизлиги бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш зарурлиги **эътироф этилсин,**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган агентликлари Орол денгизи ҳавзасида вужудга келган танг вазиятга доимий эътибор бериш ҳамда бу минтақада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан амалий чоралар кўришга, Оролбўйидаги оғир аҳволга тушиб қолган аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор беришга **даъват этилсин,**

Халқаро ташкилот ва муассасаларнинг муайян ҳаракатлар дастури ҳамда бошқа минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларига зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигимиз **эътироф этилсин,**

Халқаро ташкилотлар билан биргаликда Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантиришга доир конвенция лойиҳасини ишлаб чиқиш **ниҳоясига етказилсин.**

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ.
Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ.
Тожикистон Республикаси номидан
И. РАҲМОНОВ.
Туркманистон номидан
С. НИЁЗОВ.
Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ.

Партия ахбороти

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми

1997 йил, 1 март куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XVII пленуми бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг 1996 йилги фаолияти юзасидан ҳисобот, республика Олий Мажлисидаги ХДП фракциясининг ўтган йилдаги иши ҳақида ахборот, Ўзбекистон ХДПнинг 1996 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва унинг 1997 йилги бюджети лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари ҳамда партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов «Мамлакатимизнинг маънавий ва демократик янгиланишида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари иштирокини янада фаоллаштириш вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Кун тартибига кирган масалалар юзасидан музокараларда Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби Н. Қозоқов, Сирдарё тумани «Синдоробод» жамоа хўжалиги бригада бошлиги М. Синдоров, Фарғона туманидаги 3-касалхона бош врачи З. Мўминова, «Совпластитал» қўшма корхонаси бош директори А. Мелкумов, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши иккинчи котиби Э. Ҳошанов, Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши биринчи котиби Д. Воҳидовлар сўзга чиқишди.

Пленум, муҳокама этилган масалалар юзасидан, тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси аъзолари вилоят кенгашларининг партия марказий сайланма органлари аъзоси бўлмаган котиблари, Олий Мажлисдаги ХДП фракциясининг қатор аъзолари, республика жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари ва ХДП оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Ўзбекистон ХДП МК XVII пленумининг қарори

Мамлакатимизнинг маънавий ва демократик янгиланишида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари иштирокини янада фаоллаштириш вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг XVII пленуми, мустақиллик йилларида, мамлакатимизда тақдириломон аҳамиятга молик ўзгаришлар содир бўлганлигини қайд этади. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган, ўзимизга мос, тараққиёт йўлидан изчил бораётганимиз туфайли, миллий тажриба ва жаҳон илғор амалиётига асосланган, демократик давлат пойдеворининг бунёд этилаётганлиги, иқтисодиётда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилаётганлиги, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсатига қатъий риоя қилинаётганлиги, республикамизнинг халқаро майдондаги мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги шундан далолат беради.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида жамиятимизнинг маънавий ва демократик янгиланиши масалаларига эътиборнинг кучайиши табиийдир. Зеро, юксак маънавият — миллий равнақимизнинг ҳал қилувчи шарти бўлса, демократия — жамиятимиз сиёсий тараққиётининг, бош йўналишидир.

Кундан-кунга авж олаётган ушбу жараёнларда партиямиз ташкилотлари, унинг халқ хўжалиги турли соҳаларида меҳнат қилаётган аъзолари — депутатлар, зиёлилар, хизматчилар ва бошқа турли-туман касб эгалари, ўзларининг амалий ишлари билан, бевосита иштирок этмоқдалар. Марказий Кенгаш ва Қорақалпоғистон республика, қатор вилоят, туман, шаҳар партия кенгашлари, давлат ҳокимияти вакиллик идораларида, ХДП депутатлар фракция ҳамда гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, депутатлар қабулхоналари ва уларнинг сайловчилар билан мунтазам учрашувларини ташкил қилиш, муҳим қонунлар лойиҳаси юзасидан умумхалқ муҳокамасини уюштириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ишида иштирок этиш соҳасида муайян тажриба тўпладилар. Кўпгина партия ташкилотларининг ХДП Миллий истиқлол мафкурасини кенг тарғиб этиш ва уни рўёбга чиқариш, оммавий-сиёсий, партиявий ишлар таянч нуқталарини вужудга келтириш, шунингдек, аҳоли кенг қатламлари ўртасида маданий-маърифий, жумладан, Ватанимиз мустақиллигининг беш, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йилликларига бағишланган тадбирларни ўтказиш борасидаги фаолияти ҳам диққатга сазовордир. «Мулоқот» журнали, «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» ва маҳаллий партия ташкилотлари газеталарининг мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий, сиёсий, маънавий ислоҳотларга эътибори ошмоқда.

Бироқ, партиямиз, унинг маҳаллий ташкилотлари ва муассасаларининг ушбу жабҳалардаги фаолияти жиддий нуқсон ва камчиликлардан ҳоли эмас. Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларида партиямиздан сайланган депутатлар гуруҳларини тузиш ишлари қатор вилоят, туман, шаҳарларда ниҳоясига етказилмаган, мавжуд партия депутатлари гуруҳларидан баъзиларининг фаолияти талабга жавоб бермайди, айрим партия кенгашлари депутатларга, уларнинг бурч ва ваколатларини бажаришда, етарлича кўмак бермаётирлар. Ўзбекистон ХДП дастурий ғоялари ва Миллий истиқлол мафкураси қоидаларини чуқурроқ тарғиб қилиш, уларни рўёбга чиқариш, оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ишларимиз таянч нуқталарини ташкил этиш, тўпланган тажрибани қўллашда сусткашлиққа йўл қўяётган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Матбуот нашрларимизнинг мазкур мавзуларидаги чиқишларида мунтазамлик, чуқур таҳлил ва асосли танқид етишмайди, уларда партия ташкилотларининг фаолиятини ёритиш етарли эмас. Партия марказий матбуот нашрларига 1997 йил учун ўтказилган обуна натижалари мўлжалдагидан анча паст бўлди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши XVII пленуми **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгашларига мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, жамиятимизнинг маънавий янгиланиши ва демократиялашуви жараёнларида барча ташкилотларимиз, партия аъзоларининг бевосита иштирокини янада кучайтириш, уларнинг ушбу соҳалардаги ишларида мавжуд бўлган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш таклиф этилсин. Бунда, партиямиз дастурий ғоялари, Миллий истиқлол мафкурасининг қоидаларини тарғиб ва татбиқ қилиш билан бир қаторда, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис ҳамда Бухоро, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятлари халқ депутатлари кенгашлари навбатдан ташқари сессиялари, шу йилнинг 27 январи ва 26 февралида республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқларида қўйилган долзарб вазифалар, ҳукуматимизнинг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури» мазмунмоҳиятини халқимизга ҳар томонлама тушунтириш, уларни бажаришда давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига фаол кўмаклашиш зарурлиги алоҳида таъкидлансин.

2. Партиямизнинг Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик фракцияси ҳамда гуруҳлари фаолиятини талаблар даражасида бўлишини таъминлаш, ҳозиргача улар тузилмаган жойларда бу ишни ниҳоясига етказишни жадаллаштириш, ХДПдан депутатликка сайланган вакилларимизнинг фаоллигини ошириш, уларнинг сайловчилар билан алоқаларини яхшилашга кўмаклашиш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ХДП барча бўғинларининг муҳим вазифаси, деб ҳисоблансин. Партиямизга хайрихоҳ кишиларнинг қонунлар ва бошқа сиёсий ҳужжатлар муҳокамасида иштирокини уюштириш, уларни турли жамоат ишларига жалб қилиш амалиёти давом эттирилсин.

3. Барча даражадаги партия ташкилотларига Ўзбекистон ХДП Дастури ва Миллий истиқлол мафкураси ғоялари, мамлакатимиз раҳбариятининг ислоҳотлар сиёсатини тарғиб ва ҳаётга татбиқ қилиш соҳасидаги ишларда мавжуд бўлган камчиликларни тезроқ бартараф этиш, фуқароларнинг мутелик, боқимандалик, лоқайдлик руҳиятидан қутилишларига ҳамда улар онгида истиқлол маънавияти, миллий ва умумбашарий қадриятлар шакланиши, чуқур илдиз отишига, мавжуд салоҳият, имконият, воситалар доирасида, фаол кўмаклашиш тавсия этилсин. Бу ишда ХДП ташкилотларининг «Маърифат» марказлари, ахборот хоналари ва бурчаклари, сиёсий клублар, мафкуравий ишларнинг бошқа шакл ҳамда воситалари, партия матбуотидан самарали фойдаланиш, шунингдек, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги эслатиб ўтилсин.

4. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари олдига, аҳоли ўртасида олиб бориладиган ташкилий-сиёсий, тарғибий-ташвиқий, маданий-маърифий ишларни сайлов округлари доирасида олиб бориш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, жорий йил давомида бошланғич партия ташкилотларини тузишнинг ҳудудий-ишлаб чиқариш амалиётидан, уларни, асосан, ҳудудий шаклда ташкил этиш тамойилига ўтиш масаласини охиригача ечиш вазифаси қўйилсин.

5. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятига партия ҳаётида жамоатчилик негизидаги иш юритиш шакларидан фойдаланишни кенгайтириш, барча даражадаги ХДП кенгашлари ишчи аппарати тузилмаларини такомиллаштириш ва партия сайланма органлари аъзолари, фаоллари билан уларнинг ишчи аппарати ходимларининг юксак касб маҳоратини ўйғунлаштириш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, партия раҳбар ходимлари ўқуви тизимини вужудга келтириш топширилсин.

6. Ўзбекистон Конституцияси ва «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун доирасида, ХДПга манқуб депутатлар, давлат ва бошқарув идораларидаги масъул лавозимларда ишлаётган раҳбар ходимлар, ХДП сайланма органлари аъзоларига нисбатан талабчанликни ошириш, уларнинг ахборот ва ҳисоботларини мунтазам тинглаб бориш тажрибасини оммалаштириш барча даражадаги партия ташкилотларининг долзарб вазифаларидан бири эканлиги уқтирилсин.

Айни пайтда, ўз бурчини астойдил адо этаётган, ташаббускор, ислоҳотлар йўлида, элу юрт ғамида фидоийлик намуналарини кўрсатаётган раҳбарларни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, ношуд, виждонсиз, аксилислоҳотчи, халқдан узоқлашган тураларга нисбатан муросасиз бўлиш талаб этилади. Ҳар бир ХДП кенгашидаги раҳбарлик лавозимларини эгаллаш бўйича номзодлар заҳирасини шакллантириш, унинг билан ишлаш режаларини тузиш, ҳамда амалга оширишнинг зарурлиги таъкидлансин.

7.Барча даражадаги партия ташкилотлари ёшлар ва иқтисодий фаол фуқаролар — ишбилармонлар, хусусий корхоналар эгалари, тижоратчилар, туғилаётган мулкдорлар синфининг бошқа қатламлари билан ишлашни кучайтириш, улар орасида тарафдорларимиз кўпроқ бўлишлигига, энг муносибларининг эса, ХДП сафларига киришларига ва, умуман, партияга қабул қилиш ишларини яхшилашга эришсинлар.

8.Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар йўлида Ўзбекистон ХДПнинг республикамиз жамоат бирлашмалари, турдош хорижий сиёсий партиялар ва Тошкентда фаолият кўрсатаётган чет эл дипломатия ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилсин.

9.«Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятлари зиммасига ўз фаолиятлари ҳамда ижодий жамоалари ишидаги камчиликларни тугатиш, мазкур матбуот нашрларининг таъсир кучини ошириш, партиянинг халқчил ғоялари ва кўп қиррали ҳаётини ёритишни яхшилаш вазифаси юклатилсин.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ ВА ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШИДА ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТАШКИЛОТЛАРИ ИШТИРОКИНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг Марказий Кенгашнинг XVII пленумидаги маърузаси*

Партиямиз Марказий Кенгашининг навбатдаги, XVII пленуми юртимизда сиёсий барқарорлик ҳукм сураётган, истиқлол туфайли бошланган туб ислоҳотлар жараёнида мамлакатимиз қиёфаси янгиланаётган, кишиларнинг тафаккури жиддий равишда ўзгараётган бир вазиятда ўтмоқда.

САМАРАЛИ БЕШ ЙИЛЛИК

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилингандан буён ўтган вақт мамлакатимиз, учун самарали бўлди. Ортда қолган давр ичида амалга оширилган ва кенг жамоатчилик, жумладан хорижий холис кузатувчилар, томонидан эътироф этилган ижобий ишлардан: Ўзбекистонда халқимизнинг тарихий анъаналари ва жаҳон илғор тажрибасига асосланган демократик жамият, ҳуқуқий давлат биноси тикланаётганлиги; бозор муносабатлари ўзанларидаги ислоҳотлар орқали янги, замонавий иқтисодиёт вужудга келаётганлиги; республика ҳукумати аҳоли муайян қатламларини ижтимоий ҳимоялаш йўлидан изчил бораётганлиги; истиқлол мафкураси, қарамлик дунёқарашидан воз кечиш, қадимий урф-одат ва маданиятимиз, миллий ва умумбашарий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган истиқлол маънавиятининг чуқур илдиз ота бошлаганлигини кўриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси жамланиб, мустақил Ватанимизнинг Шарқу Ғарбдаги обрўйини орттирмоқда.

Ўтган беш йил Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Шу давр ичида партиямиз, бутун мамлакатимиз каби, ўсди, улғайди, ўзининг халқчил дастурий ғоялари, Миллий истиқлол мафкураси, Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбариятининг ислоҳотлар сиёсатини амалга оширишдаги фаол иштироки, одамларнинг мушкулини осон, оғирини енгил қилиш бобидаги амалий ишлари билан кенг жамоатчиликка танилди.

Ўтган беш йил мобайнида миллий тараққиётимизнинг янги босқичи учун жиддий замин тайёрланди ва мамлакатимиз, унга таянган ҳолда, туб ўзгаришларнинг навбатдаги палласига кирди. Ушбу босқичнинг, бугунги кунда белгиланган, асосий вазифалари, қисқача, қуйидагилардан иборат: *иқтисодиётда* **таркибий ўзгаришларни амалга ошириб, ундаги барқарорликдан юксалиш томон бошланган бурилишни давом эттириш, қишлоқда ислоҳотлар йўлидаги ғовларни бартараф этиб, уларнинг боришини жадаллаштириш, чинакам мулкдорлар қатламларини шакллантириш.**

Дарҳақиқат, фақат ана шу йўлдан қатъий борганимиздагина, мамлакатимиз равнақ топиши, аниқ мўлжалланган *ижтимоий* **муҳофаза сиёсати изчил амалга оширилиши, ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила учун муносиб турмуш шароитлари яратилиши мумкин бўлади.**

Айни пайтда, ушбу соҳалардаги ўзгаришларни давом эттириш ва кенгайтириш, янги мураккаб вазифаларни бажариш, кўп жиҳатдан, ***сиёсий*** *тизим* **ислоҳини чуқурлаштиришга боғлиқдир.** *Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек:* ***«Демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнининг асоси, негизидир».***

Ушбу умумдавлат, умумхалқ иши фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг конституциявий асосларини рўёбга чиқариш; Асосий Қонунимизда кўзда тутилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг амалий воситаларини вужудга келтириш; оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш йўналишларда олиб борилмоқда. Чунончи, биргина 1996 йилда, ҳуқуқий давлатни бунёд этишга тааллуқли, 40 тага яқин қонун юзага келди. Улар орасида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг борлигини ва партиямиз, унинг вужудга келишига муайян ҳисса қўшганлигини ҳаммангиз яхши биласиз. Эндиликда, мазкур Қонунга сўзсиз ва тўла риоя қилиш билан ҳам ўрнак кўрсатишимиз лозим.

Демократиялашув жараёнларини чуқурлаштириш, унинг муваффақияти учун яна бир ўта муҳим вазифани ҳал этиш, яъни жамиятнинг муттасил **маънавий янгиланишини** таъминлаш даркор. Маънавиятнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида, энг юқори минбарлардан, қайта-қайта гапирилаётгани бежиз эмас. Зеро, маънавий қашшоқ, билими саёз, дунёқараши тор, маданияти паст кишилар яхшини ёмондан, дўстни душмандан ажратишга, ҳаётнинг маъносини, ислоҳий ўзгаришларнинг моҳиятини теран англашга, бу йўлда фидойилик кўрсатишга, Ватаннинг ўтмиши билан фахрланиш, ҳозирги кунига шукроналар қилиш, саодатли келажагига ишонишга қодир эмаслар.

Жамиятнинг маънавий янгиланиши — узоқ муддатли, кенг қамровли мураккаб ишдир. Унга эришиш ҳаётимизнинг барча соҳаларидан тинимсиз меҳнат қилиш, маданиятимизни янги чўққиларга кўтариш ишига кўпроқ ҳисса қўшиш, маърифий-тарбиявий фаолиятимизни замон талабларига яраша олиб боришни талаб қилади.

Ана шу нуқтаи назардан олганда, жорий йилнинг, Вазирлар Маҳкамасининг 26 февралдаги мажлисида таъкидланганидек, мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ислоҳотлар йўлидан дадил боришидаги муҳим босқич бўлиши ўта аҳамиятлидир.

ПАРТИЯНИНГ 1996 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ

Мамлакатимизда содир бўлаётган тақдириломон воқеаларнинг фаол иштирокчиси бўлган партиямизнинг 1996 йилдаги фаолияти серқирра бўлди. Сиёсий ижроқўмнинг бу ҳақдаги ҳисоботи Марказий Кенгаш аъзоларига, ёзма тарзда, берилганлиги сабабли, унинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Биринчидан. Ҳисобот йилида **Ўзбекистон ХДПнинг парламентчилик иши,** унинг фаолиятидаги устувор йўналиш сифатида, амалга оширилди. Олий Мажлисдаги депутатлик фракциямиз бирмунча тўлақонли фаолият кўрсата бошлади: унинг аъзолари парламент сессиялари, Олий Мажлис кенгаши, қўмиталари ва ишчи гуруҳлари ишида, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама ва қабул қилишда фаоллик кўрсатдилар. Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига сайланган депутатларимиз қонунларнинг жорий қилиниши, ислоҳотларни амалга ошириш ишларига муайян ҳисса қўшмоқдалар.

Шу билан бирга, биз парламентчилик фаолиятининг барча сирларини ўзлаштирдик, Олий Мажлисдаги фракциямиз ва давлат ҳокимияти маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимизнинг салоҳият ҳамда имкониятларини тўла ишга солганмиз, депутатларимизнинг ҳаммалари ҳам сайловчилар олдидаги ўз бурч ва ваъдаларини бажаришга масъулият билан ёндашяптилар, деб айта олмаймиз. Чунончи, 7 та вилоят, 70 та шаҳар ва туман халқ депутатлари Кенгашларида шу кунгача ХДП депутатлик гуруҳлари тузилмаган. Мавжуд депутатлик гуруҳлари фаолиятида эса ташаббуссизлик, долзарб муаммоларни кўтариб чиқиш ва муҳокама қилишда ибрат кўрсатмаслик каби камчиликлар кўзга ташланмоқда. Аксарият маҳаллий партия кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларининг давлат ҳокимияти вакиллик идораларига сайланган депутатлар билан ишлаш режалари, белгиланган тадбирлари, кўпинча, умумий тусга эга.

Иккинчидан, ўтган йил, унинг давомида Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинишининг беш ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йилликларини нишонланиши, маънавият ҳамда демократия масалаларига жамиятимиз диққат-эътиборини янада кучайганлиги боис, **партиямизнинг мафкуравий иши учун жуда қулай келди.**

Бу соҳада қилинган ишларимизнинг асосий йўналишлари: республикамиз раҳбарияти ички ва ташқи сиёсати, туб ўзгаришлар ҳозирги босқичининг мазмунмоҳиятини ўрганишни уюштиришда ХДП бошланғич ташкилотлари, тарғиботчи-ташвиқотчиларига кўрсатиладиган услубий кўмакни кучайтириш; ислоҳотлар йўлининг хусусият ҳамда аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга доир ишларни давом эттириш; жамиятимизда рўй бераётган маънавий янгиланиш жараёнларида маҳаллий ташкилотларимиз, сафдошларимизнинг фаоллигини ошириш; мафкуравий ишлар таянч нуқталари — «Маърифат» марказларини вужудга келтириш тажрибасини кенг ёйиш; матбуот нашрларимизга обунани уюшқоқлик билан ўтказиш, уларнинг таъсирчанлигини оширишга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни кўришдан иборат бўлди.

Афсуски, ижобий далиллар билан бир қаторда, тарғибот ва ташвиқот ишларига мавсумий нарса, деб қараш; уни байрам, тўй ёки турли тантаналарга бағишланган тадбирлар билан чеклаб қўйиш; баъзида маблағ тополмай, шуни ҳам ўтказа олмаслиқ; жамоатчи тарғиботчилар, маҳаллий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан тўла фойдалана билмаслик мисоллари ҳам йўқ эмас. Маҳаллий партия кенгашларининг аксарияти ХДП матбуот нашрларига 1997 йил учун обуна топшириқларини бажармаганлиги, «Маърифат» марказларини ташкил этишга доир Андижон партия ташкилоти тажрибасини қўллашда жойларда сусткашликкa йўл қўйилаётганлиги ҳам жиддий камчиликлар сирасига киради.

Учинчидан. Партиямизнинг республика жамоат бирлашмалари, хусусан, «Маҳалла», «Нуроний» ва «Экосан» жамғармалари, хотин-қизлар кенгашлари, ёзувчилар ҳамда касаба уюшмалари, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Ногиронлар» жамияти билан ҳамкорлиги, улар билан биргаликда турли тадбирлар ўтказаётганимиз сабабли, ортда қолган йилда янада мустаҳкамланди.

ХДПнинг ёшларга оид сиёсатини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш мақсадида партия кенгашларининг шу соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда, маҳаллий ташкилотларимиз «Камолот» жамғармасининг жойлардаги тузилмаларига кўмаклашмоқдалар.

Марказий Кенгаш **чет эллардаги турдош сиёсий партиялар, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар дипломатия муассасалари ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари билан дўстлик алоқаларини давом эттирди.**

Бироқ, бу жабҳалардаги ишларимизни ҳам нуқсонсиз, деб бўлмайди. Асосий камчилигимиз — қабул қилинган қарор, белгиланган тадбирлар режаларининг охиригача бажарилмай қолаётганлиги. Бу нафақат маҳаллий партия ташкилотлари, балки, Марказий Кенгашнинг ҳам айбидир.

Тўртинчидан. 1996 йилда **ХДПнинг ташкилий сиёсий ишлари** марказида партия сафларини муносиб фуқаролар, хусусан ёшлар, ҳисобидан мунтазам тўлдириб бориш, унинг сифат таркибини яхшилаш билан бир қаторда, партиявий тузилмаларни такомиллаштириш — кенгашлар ишчи аппаратини ихчамлаштириш, ҳудудий бошланғич ташкилотлар шаҳобчаларини кенгайтириш, партия раҳбар ходимлари ўқувларини уюштириш масалалари турди. Ушбу масалаларнинг Марказий Кенгаш пленумлари, Сиёсий ижроқўм ва Котибият мажлислари, барча даражадаги партия кенгашлари ижроия бюролари йиғилишларида мунтазам кўрилиши, республика, минтақа вилоят, шаҳар, туманлар миқёсида котиблар, тарғиботчилар, журналистлар билан турли анжуман ва семинарларнинг ўтказилиши шундан далолат беради.

Партиямиз ўз ижтимоий-сиёсий фаолиятида иш юритишнинг демократик шакл ва воситалари, яъни сайланма органлар, маҳаллий кенгашларнинг жамоатчилик асосида ишловчи котиблари, бўлимлари, шўъбалари, «Маърифат» марказлари, ахборот хоналари, тарғиботчилар гуруҳлари, сиёсий клублардан кенг фойдаланмоқда, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Аммо, ишимизга танқидий назар ташласак, мазкур соҳанинг ҳам талай камчиликлардан холи эмаслигини кўрмаслик мўмкин эмас. Жумладан, айрим шаҳар ва туманларда бошланғич партия ташкилотларининг умумий сони ҳамда улар орасида ҳудудийларининг салмоғи жуда суст ўсаётир, иқтиосдиётнинг нодавлат жабҳаларига ХДПнинг таъсирини кучайтиришга қаратилган ишлар қониқарли эмас, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назоратни етарлича, деб бўлмайди.

Бешинчидан. Ўзбекистон ХДПнинг молиявий-хўжалик аҳволи ҳақида. Ўтиш даврининг иқтисодий мураккаб шароитларида, партиямиз молиявий аҳволининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида, аъзолик бадалларини йиғиш, ХДП маҳаллий кенгашлари хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, молиявий жиҳатдан қийналиб қолганларига ёрдам кўрсатиш, партия кенгашлари аппарати ходимларини ижтимоий муҳофаза этиш масалалари билан муттасил шуғулланишга тўғри келмоқда.

Кўрилган чоралар туфайли, бугунги кунда, партиямизнинг умумий молиявий аҳволи ёмон эмас. Сизларга тарқатилган ёзма маълумотномадан кўриниб турибдики, 1996 йилда ХДПнинг бюджети харажатлар бўйича 147,8 миллион сўм ёки режалаштирилганидан 3,5 фоиз ками билан, даромадлар бўйича эса, 149 миллион сўмдан зиёдроқ ёхуд белгилангандан, қарийб, 1 фоиз ошиғи билан бажарилди.

Лекин, ушбу жабҳадаги ишларимиз мукаммалликдан ҳали узоқ. Бозор муносабатларига ҳалигача мослаша олмаган, ўзининг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмаётган ёки уни истамаётган, ўз тасарруфидаги мавжуд моддий ва техник имкониятлардан яхши фойдалана олмаётган вилоят, шаҳар, туман ташкилотларимиз сони озмунча эмас.

ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИКНИ ОШИРАЙЛИК!

Хўш, партиямиз, унинг ташкилотлари, муассасалари, ҳар бир аъзоси олдида турган бугунги долзарб вазифалар нималардан иборат?

Парламентчилик соҳасида: Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолиятида янада кенгроқ иштирок этиш, хусусан, янги қонунларни қабул қилиш ташаббускори бўлиш, қонунчилик бўйича тақлифларнинг пухта ишланган режасини тузиш; барча халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ХДП депутатлик гуруҳларини тузишга эришиш ва мавжудларининг ҳамда ҳар бир депутатнинг фаолияти самарали бўлишини таъминлаш; ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг қабул қилинишида фаол қатнашиш; жойларда ижтимоий соҳани, шунингдек, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга қаратилган Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларини бажариш юзасидан минтақавий дастурларни тайёрлаш, бу йўлда учраётган ғовларни бартараф этишга амалий ёрдам кўрсатиш; партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини амалий ўзанларга кўчириш.

Партиянинг мафкуравий ишларида: ХДПнинг дастурий ғоялари, республикамиз раҳбариятининг халқчил сиёсати, ислоҳотлар йўли мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишни такомиллаштириш ва бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш; жамиятимиз маънавий янгиланиши жараёнларига қўшаётган ҳиссамизни муттасил кўпайтириш; сайлов округлари, маҳаллаларни аҳоли турли қатламлари билан ишлашнинг марказларига айлантириш; оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ишларимизнинг таянч нуқталарини вужудга келтириш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича бошланган саъй-ҳаракатларни охирига етказиш ва бу ишда корхона, хўжаликлар маъмурияти, ўзини-ўзи бошқариш идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, партия матбуот нашрларига эътиборни кучайтириш, уларнинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш чораларини кўриш.

Ўзбекистон ХДПнинг ташқи алоқалари соҳасида:

Ватанимизнинг равнақи, халқимизнинг бахт-саодати йўлида республикамиз жамоат ташкилотлари билан алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамкорлигимизни кенгайтириш; ХДПнинг халқаро фаолиятини жонлантириш; тараққий этган, маърифатли давлатларда тўпланган, парламентчилик ишига оид, тажрибани чуқурроқ ўрганиш; партиямиз билан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган, хорижий дипломатия муассасалари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ўртасида қарор топган дўстона алоқаларни бундан кейин ҳам давом эттириш.

Партиявий-ташкилий ишлар соҳасида: барча сайлов округлари ва маҳаллаларда, Ўзбекистон ХДП таъсирини таъминлаш мақсадида, жорий йилда, ҳудудий бошланғич партия ташкилотларини тузишни ниҳоясига етказиш ва уларни тегишли мавзенинг таъсирчан сиёсий кучига айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш; аҳолининг иқтисодий фаол қатламлари— ишбилармонлар, тадбиркорлар, фермерлар, тижоратчилар, ҳиссадорлар, якка тартибда меҳнат қилувчилар билан ишлашни яхшилаш, уларнинг энг муносибларини сафимизга тортиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларида масъул лавозимларда ишлаётган ХДП аъзоларига нисбатан талабчанликни кучайтириш, тегишли партия ташкилотларида уларнинг ҳособот, ахборотларини мунтазам эшитиб бориш; ёшлар билан ишлашга оид партия Низоми қоидалари ва шу масалага доир қарорларда белгиланган вазифаларни бажаришни таъминлаш; қарорлар ижроси устидан назоратни кучайтириш; партия тузилмаларидаги раҳбар лавозимларни эгаллашга муносиб номзодлар заҳирасини шакллантириш, масъул ходимлар ҳамда фаолларни ўқитишнинг яхлит тизимини яратиш; ХДП сайланма органлари фаолиятида иш юритишнинг жамоатчилик асослари билан кенгашлар ишчи аппарати ходимларининг юксак касб маҳоратини ўйғунлаштиришга эришиш; «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ва тўпланган тажрибага таяниб, Ўзбекистон ХДП кенгашлари аппарати тузилмаларини янада такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш.

Молиявий, хўжалик-ишлаб чиқариш фаолияти соҳасида: партиямизнинг, эътиборингизга, ёзма равишда, ҳавола этилган, харажатларнинг даромадларга нисбатан 2,4 фоиз кўпроқ бўлиши кўзда тутилган, 1997 йил учун, бюджети лойиҳаси тасдиқлангани ҳолда, унинг бекаму кўст бажарилишини таъминлаш; барча ташкилотларимизда бюджетимизнинг муҳим манбаи ҳисобланмиш аъзолик бадалларини ўз муддатида ва тўла йиғиб олишни йўлга қўйиш; мавжуд моддий имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш асосида маҳаллий кенгашларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга эришиш; ХДП кенгашлари ишчи аппарати ходимларининг ижтимоий муҳофазасига эътиборни янада кучайтириш каби долзарб масалалар билан жиддий шуғулланиш зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ***Ўзбекистон Халқ демократик партияси олдида ҳозирги кунда турган энг муҳим вазифа — мамлакатимизда тобора кенг қанот ёзаётган маънавий ва демократик янгиланиш жараёнларида, ўзининг ихтиёридаги барча куч ва имкониятлар билан иштирок этишни янада фаоллаштиришдан иборат.***

Яна бир долзарб вазифамиз — мамлакатимизда Инсон манфаатларини рўёбга чиқаришнинг муҳим омили — ислоҳотлар изчиллигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишдир. Зеро, бу — партиямиз сайловолди ҳужжатида кўзда тутилган мақсадларга тўла-тўкис жавоб беради. Буларни уддалаш, ўз навбатида, партиямиз барча даражадаги сайланма органлари, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари, бошланғич ташкилотлари етакчилари, журналистлари, тарғиботчилари, аъзоларидан ишчанлик, изланувчанлик, ташаббускорлик руҳида меҳнат қилишни, фидойилик намуналарини кўрсатишни тақозо этади. Шундай қилсакгина, биз севимли Ўзбекистонимизни гуллаб-яшнаётган, қудратли мамлакатга айлантириш ишига салмоқли улуш қўшган бўламиз.

Ана шу олижаноб мақсад йўлида омад бизга ёр бўлсин!

** Маруза қисқартирилган тарзда чоп этилмоқда.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 4 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	***44,91***
1 Австрия шиллинги	***4,83***
1 Англия фунт стерлинги	***93,66***
10 Бельгия франки	***16,48***
1 Голландия гульдени	***30,22***
10 Греция драхмаси	***2,17***
1 Дания кронаси	***8,91***
1 БАА дирҳами	***15,67***
1 АҚШ доллари	***57,55***
1 Миср фунти	***16,99***
1 Ирландия фунти	***90,93***
1 Исландия кронаси	***0,82***
10 Испания песети	***4,00***
100 Италия лираси	***3,39***
1 Канада доллари	***42,10***
1 Хитой юани	***6,94***
1 Қувайт динори	***190,00***
100 Ливан фунти	***3,73***
1 Малайзия рингги	***23,18***
1 Германия маркаси	***34,00***
1 Норвегия кронаси	***8,51***
1 Польша злотийси	***18,82***
10 Португалия эскудоси	***3,39***
1 Сингапур доллари	***40,39***
1000 Туркия лираси	***0,47***
1 Финляндия маркаси	***11,39***
1 Франция франки	***10,07***
1 Швеция кронаси	***7,65***
1 Швейцария франки	***38,94***
1 ЭКЮ	***65,89***
10 Жанубий Корея вони	***0,67***
***10 Япония

ЭНГ ЯХШИ ВА... ЭНГ ЁМОН

ёки помидор ва у келтирадиган фойда ҳақида

Журналист муаммо қўяди

Юртбошимиз Россия журналистлари саволларига жавоб берар эканлар, энг яхши помидорлар бизда битиши, фақат уни сифатли қайта ишлаш ва харидорга етказиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, саховатли заминимизда ажойиб ноз-неъматлар, жумладан, помидор етиштиришнинг имконияти чексиз. Бироқ, помидор ҳалими ва консервларига хорижий харидорлар ҳам талабгор бўлаётган бир кезда қайта ишлаш корхоналарига бу серталаб неъмат жуда кам топширилмоқда. Аччиқ ҳақиқат шундаки, деҳқонлар помидор экиш ва корхоналарга топширишга қизиқмай қўйишди. Энг яхши неъматни етиштириш ёмон аҳволга тушиб қолмоқда. Нега?

Қуръонда барча ноз-неъматлар жаннатдан чиқарилганлиги айтилган ва улар орасида помидор ҳам бор... Бу ўсимлик бизга Америка қитъасидан келтирилганлиги, Оврўпа ва Осиёга тарқалганлиги, муқаддас китоб эса ундан бир неча аср олдин Арабистонга пайғамбаримизга Яратган томонидан нозил этилганлиги бир тараф, шундан-да, помидор дастурхонимиздаги энг суюмли таом. Бозорларда талашиб харид қилинаётган ҳам, консерва корхоналарига асосий даромадни келтираётган ҳам шу маҳсулот.

Айниқса, помидор ҳалимини (пастасини) пахта, нефть, газ, қувур, ёғоч-тахта сингари тақчил қурилиш ашёлари, турфа товарлар, техника воситаларига айирбошлаш мумкинлигини кўрган тадбиркорлар тезликда катта-кичик корхоналарни қура бошлашди. Айни пайтда бизнинг Яккабоғ, Чироқчи, Қарши туманларида ҳам йирик консерва корхоналари ишлаб турибди. Вилоят шахсий ёрдамчи хўжаликлар иттифоқи Италиядан ускуналар келтириб, Қамашида помидор ҳалими тайёрлайдиган корхонани ишга туширди. Шаҳрисабз туманидаги Ғани Бобоёрев номли жамоа хўжалигидаги яхшигина хусусий корхона ҳам асосан помидорни қайта ишлайди. Касбида хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда катта қувватли корхона қуриляпти. Китоб туманининг «Навбаҳор» хўжалигида италиялик ҳамкорлар билан шундай корхона қуриш ҳаракати аллақачон бошланган. Бундан ташқари яна ўнлаб катта-кичик корхоналар бор ва қурилмоқда. Уларнинг ҳаммасига помидор, ҳа керакли товарларга айирбошлайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун помидор керак.

Маҳсулот эса афсус, етишмаяпти. Бошқаларни қўйиб турайлик. республикамиздаги энг йирик, йилига 80 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмасига қарашли Шаҳрисабз «Консерва» ҳиссадорлик жамияти 1996 йилда атиги 13 минг тонна помидор қабул қилиб олди. Хўш, нега? Ер, сув йўқми? Моҳир сабзавоткорлар камайиб кетаяптими?

Бу масала шунчалик чигалки, бир сўз билан ифода этиш қийин. Дастлаб, вилоятнинг асосий сабзавоти Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ каби юқори туманларда етиштирилганлигини айтиш лозим. Биргина Китоб тумани илгари 30-35 минг тонна сабзавот етиштирар, шундан 85-90 фоизи помидор бўлар эди. Эндиликда деҳқонлар бу экинни экишдан бош тортишмоқда. Нега?

— Аввало, бизда суғориладиган ер кам, асосий майдонларни ғалла эгаллаган, — дейди Китоб туман ҳокимининг ўринбосари Усмон Валиев. — Иқтисодиётни кўтариш учун пахта экишимиз, чорвани ўйлашимиз керак. Хўжаликлар помидор экишдан безиллашади. Негаки, Шаҳрисабз консерва корхонаси деҳқонларга ўз вақтида маҳсулот пулини бермай, яна сув текинга олиб, бездириб қўйди. Энди ўзингиз айтинг, деҳқон зарарига ишлаши керакми?

— Йўқ, ҳеч ким зарар кўриб деҳқончилик қилишни истамайди, — дейди Шаҳрисабз туманидаги Навоий номли жамоа хўжилиги раиси Номоз Отаев. — Ўтган йили 15 гектар помидор экиб, ҳар гектаридан 400 центнердан ҳосил олдик. Аммо консерва корхонаси ҳар кило маҳсулотга 1 сўм 80 тийиндан ҳақ тўлади. Харажатларни қоплай олмадик. Бу йил 5 гектар ерга экамиз, бу ҳам ўз эҳтиёжимиз учун. Фойда кўрса, деҳқон помидор экишдан юз ўгирмайди, албатта.

— Бу аччиқ гапларга нима дейсиз, — сўрадик Шаҳрисабз «Консерва» ҳиссадорлик жамиятининг янги раиси Неъмат Исмоиловдан. — Узоқ йиллар давомида корхона деҳқонларни қийнаб келди. Уч-тўрт кунлаб навбат кутгани туфайли келтирилган помидор контейнерларда эзилиб-оқиб кетарди. Маҳсулотнинг ҳақи ҳам ўз вақтида тўланмасди. Энди эса шартнома тузишга ҳам унашмаяпти. Ёки ўтмиш замондаги каби мажбурлаб, қўлларига режа тутқазиш керакми? Деҳқон зарар кўраверсину корхоналар фойдани чўнтакка ураверсинми?

— Мен ўтган йили охирида корхона раҳбарлигини қабул қилдим ва айта оламанки, деҳқон ҳақ, — дейди Неъмат Исмоилов. — Аввало деҳқон маҳсулотини топшириш учун энди навбат кутмайди. Чунки энг замонавий ускуналарга эга бўлдик. Бугунги кунда хорижлик мижозлар ҳам тинмай маҳсулот сўрашмоқда. Маҳсулотни қайта ишлаш ва қадоқлашнинг хорижий технологияси тўла жорий этилган. Масалан, илгари помидор ҳалимини солиш учун идишлар етишмас, натижада деҳқон келтирган маҳсулот бир неча кунлаб туриб қоларди. Италиянинг «Сосиб Фуад» фирмасининг янги қадоқлаш ускунаси ўрнатилди. Италия технологияси асосида яна бир линияда тунука идишларга помидор, ҳалим жойланади. Шиша идишларга маҳсулот қуйиш линияси ҳам ишлаяпти. Бундан ташқари «Ўзанглоинвест» компанияси билан ҳамкорликда 200 граммдан 1 литргача бўлган шарбатни картон қоғозларга соладиган қадоқлаш цехини қуряпмиз. Июль ойига қолмай бу ускуналар ҳам ишлай бошлайди. Демак, деҳқонлар топширган ноз-неъматлар ҳам жаҳон бозори талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳамма шароит муҳайё.

— Тўғри, корхона мен келгунча 43 миллион сўмлик маҳсулот ҳақини тўламаган экан, — давом этади Неъмат Исмоилов. — Бу қарзни асосан ўздик. Кимга пул, кимга маҳсулот бердик. Корхонани кўтариш учун ҳамма тадбирларни кўряпмиз. Айрим хўжаликларга тайёр маҳсулотларни аванс сифатида ҳам улашяпмиз. Энг муҳими — йўқотилган ишончни тиклашимиз лозим. Майли, контрактация шартномалари ўзаро фойдали асосда тузилсин. Жаҳон бозорида 1 тонна помидор ҳалими 600 доллар атрофида экан. Бу 50-56 минг сўм дегани. Агар ҳар кило помидорни 5 сўмдан олсак — тайёр маҳсулот 80 сўмдан, 3 сўмдан олсак — 60 сўмдан тушаркан. Яна деҳқонга транспорт харажатлари ҳам тўланади. Хуллас, деҳқон ҳам, биз ҳам ўз шартларимизни айтяпмиз...

Деҳқон ва қайта ишлаш саноати ходимлари ўртасидаги бу масалалар — жиддий, амалий ечимини кутаётган муаммолардир. Тўғрисини айтганимизда, вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Озод Пармонов ҳам «Деҳқон корхоналар олаётган фойдадан манфаатдор бўлса, кўп муаммо ўз ечимини топади», деган мулоҳазани билдирди. Ҳақ гап! Бу ҳаётий заруриятдир. Ўз навбатида Шаҳрисабз «Консерва» ҳиссадорлик жамияти раиси Неъмат Исмоилов фойданинг бир қисмини деҳқонларга беришга тайёр эканликларини айтиб, агар бир қанча хўжаликлар корхона билан ўзаро бирлашса, яхши бўлишини баён қилди. Бизнингча, бу ҳаётий масалалардан республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси ҳам четда турмаса маъқул бўларди. Негаки, саноат учун зарур сабзавот, жумладан, помидорни уюшмага қарашли хўжаликлар тўла етказиб беролмаяпти. Вазирликка қарашли хўжаликлар эса топширилган маҳсулотнинг пировард фойдасидан манфаатдор бўлишолмаяпти. Кичик консерва корхоналари қуриб олиш ҳам мумкин эди. Аммо ҳозирча катта чет эл валютаси эвазига замонавий ускуналар билан таъминланган корхоналар уюшма тасарруфида. Айни кезда шундай яна муҳим бир муаммо кўндаланг турибдики, бу имкониятларни бирлаштиришни тақозо этаётир.

Қанақа дейсизми? Мана, амалий таклифлар: Шаҳрисабз туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Азамат Бойму-родовнинг фикрича, помидор уруғи топилмайди ва навлари ниҳоятда ёмон. (Бундай мулоҳазани вилоятдаги ўнлаб мутахассислар ва деҳқонлардан ҳам эшитдик). Китоб туманидаги Мейлиқўл Бобоев номли хўжалик сабзавоткорлари бир пайтлар помидор ҳосилдорлигини 550-600 центнерга етказишган эди. Ҳозир бунинг ярми ҳам йўқ. Энг сара ва мўл сабзавот етиштираётган Жовли Турдиев номли хўжалик далаларига ўтган йили экилган помидор уруғидан паст ҳосил олинди. Бунинг устига кўчатлар август-сентябрь ойларида тўсатдан қуриб-қовжираб қолмоқда. Агар сабзавоткорлар ҳосилдорликни ўртача 500 центнерга етказишса, харажатларни қоплаб, катта фойда кўришарди. Айрим мутахассисларнинг айтишича, Хитойдан келтирилган навлар 900-1000 центнергача ҳосил бераркан. Уларни-ку қўяверинг, бир неча йил олдин экилган «Прогресс», «Ўзбекистон» каби помидор навларини экиб, ҳосилдорликни 700-750 центнерга етказган деҳқонлар ўзимизда бор-ку. Афсуски, кейинги вақтда уруғчилик билан ҳеч ким қизиқмай қўйди. Помидор навлари аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Деҳқонлар сифатсиз уруғни экишдан юрак олдириб қўйишган. «Ўзинг топ, ўзинг эк», деган ақида деҳқонларни саргардон-саргардон қилмоқда. Вилоят сабзавот уруғлари бирлашмаси бошлиғи Мардон Эшонқуловнинг қўлидан ҳеч иш келмаётганлиги, бирлашманинг имкониятлари йўқ даражада эканлигига амин бўлдик. Бирлашма етиштирмайди, балки очиқдан-очиқ савдо ташкилотига айланиб қолган. Ихтиёрида ҳозир атиги 1 тонна 269 килограмм ҳар хил помидор уруғи бор экан. Вилоятдаги «Насаф» ва «Ширинобод» сабзавот уруғчилиги хўжаликлари республика сабзавот нав уруғлари ассоциациясига қарашли бўлиб, деярли помидор етиштирмайди. Уларни вилоят уруғчилик бирлашмаси ихтиёрига ўтказиб бериш, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда юқори унумдор ва серҳосил помидор навларини етиштириш ҳақида ҳеч ким ўйлаб кўрмаётир. Йўғ-е, ўйлаганлар бор экан: хўжаликлар ўзлари топширган помидордан уруғ ажратиб олиб, нави айниб кетган экинлардан қуйиб қолишмоқда. Шаҳрисабз консерва корхонаси ўтган йили ҳар хил навли, йирик-йирик помидорларни ажратиб олиб 2100 килограмм уруғ тайёрлабди ва уни хўжаликларга таклиф этмоқда. Демак, бу йил ҳам далаларни яна нави айниган, турли-туман помидор экинлари қоплайди. Яна юқори ҳосилга умид йўқ, яна харажатлар қопланмайди, яна бу серталаб маҳсулотни етиштириш борасида сансалорликлар бошланадиган кўринади...

Хуллас, бу масалани «яна, яна» дея чексиз давом эттириш, сабабларини эса «нега, нега», деб суриштиришдан фойда йўқ. Уруғчилик, деҳқон ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги муаммоларни амалда ечиш лозим!

Бир чимдим эътибор бўлса ва юрак ёнса, юртимиз ноз-неъматлари соф олтиндир. Шуни тушунмаётирлар! Маълумки, олтиннинг ишқибозлари кўп. Ана шунда юртбошимиз айтганларидек, энг яхши помидор — энг яхши фойда келтирувчи маҳсулотга айланади! Деҳқон эса фойда берувчи, устини бут, қорнини тўқ тутувчи экиндан ҳеч қачон юз ўгирмайди. Бу ўртага қўйилаётган ҳаётий муаммонинг энг оқил ечимидир.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Марказий банк янги биноси. А. ПАРДАЕВ олган сурат.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

ЯНГИ ВАЗИРЛАР ТАЙИНЛАНДИ

Украина Президенти Леонид Кучма мамлакат ҳукуматига янги вазирларни тайинлаш ҳақида фармонлар чиқарди. Шу пайтгача Европа Иттифоқида Украина вакили лавозимини эгаллаб келган Игорь Митюков янги молия вазири этиб тайинланди. Давлат мулки фонди раиси Юрий Еханнуров иқтисодиёт вазири лавозимини эгаллади. Машинасозлик, ҳарбий саноат комплекси ва конверсия вазири этиб Василий Гуреев тайинланди. Мамлакат ҳукуматидаги бундай ўзгаришлар, шарҳловчиларнинг таъкидлашларича, иқтисодиётда туб ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиши лозим.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ САЙЛОВЛАР ЎТКАЗИЛАДИМИ?

☑ **Албания студентлари очлик эълон қилган 40 нафар тенгдошларини қўллаб, кенг намойиш ўтказмоқдалар. Бундан мақсад — сўнгги маблағини омонатга қўйиб, алданиб қолган минглаб фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.**

АҚШ томони бу ердаги аҳволни ҳисобга олиб Албания Президенти Сали Беришани мамлакатда сиёсий тангликка йўл қўймаслик мақсадида муддатидан илгари парламент сайловлари ўтказишга чақирди. Бу ҳақда Албаниядаги Америка элчиси Мариса Лино баёнот берди. Унинг фикрича, бундай сайловлар ўтказиш ҳақидаги ҳукумат қарори уларнинг демократия тарафдори эканлигини тасдиқлашга ва Албанияда фуқаролар тинчлигини қайта тиклашга ёрдам берган бўлур эди.

МУОМАЛАДА ЯРИМ МИЛЛИОНЛИК РУБЛЛАР

☑ **Россия Марказий банки шу йилнинг 17 мартидан бошлаб муомалага 500 минг рубллик банкнотларни чиқаришни режалаштирмоқда. Марказий банк раиси Сергей Дубининнинг ишонтириб айтишича, бу аҳоли билан ҳисоб-китобларда қулайлик туғдираркан. Чунки, Россияда ўртача ойлик ҳозирга келиб 1 миллион 150 минг рублни ташкил этмоқда. Янги пуллар биринчи навбатда Сибирь, Узоқ Шарқ ва нефть ишлаб чиқарувчи минтақаларга юборилади. Марказий банкдаги мутахассисларнинг таъкидлашларича, янги банкнотларни сохталаштириш қийин. Чунки унинг ҳимоя қилиш чизиқлари анча юқори. Ярим миллионлик пуллар Пермь ва Москва шаҳарлари фабрикаларида катта миқдорда босиб чиқарилган.**

КЕЛАСИ ЙИЛИ КУБАГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

☑ **Рим папаси Иоанн Павел II 1998 йилнинг январь ойида Кубага беш кунлик ташриф билан келади, деб хабар беради Кубада чиқадиган «Гранма» газетаси. Газета мухбирининг ёзишича, Рим папасининг Кубага ташрифи масаласи 1989 йилда ҳам муҳокама қилинган. Бироқ Кастро католиклар черкови раҳбарини қабул қилишдан бош тортган эди. Ўша пайтда Ф. Кастро собиқ Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа давлатлари тақдири сингари Кубада ҳам коммунистик тузумнинг барбод этилишида черков муҳим роль ўйнаши мумкин, деган фикрда шундай қарорга келганлигини айттанди. Бироқ, бир оз вақт ўтгач, Кастро католикларга ва умуман черковга ўз муносабатини ўзгартирди. Бугунги кунда Куба ҳукумати черков билан муносабатларини яхшилашга ҳаракат қилмоқда. Айни чоғда бу ерда турли мамлакатлардан келган 50 дан зиёд миссионер динни тарғиб қилмоқда.**

ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЧАҚИРМОҚДА

☑ **Оқ уйнинг ташқи ишлар бўйича матбуот котиби ўринбосари Дэвид Жонсон Исроилнинг Ғарбий Қуддусда янги уй-жойлар қуриш ҳақидаги қарори «ўзи оғир бўлиб турган аҳволни янада қийинлаштиради», деб таъкидлади. Жонсоннинг айтишича, бу тадбир ҳамкорлик йўналишига тўғри келмайди. Хеврон бўйича келишувга аҳд қилинган пайтдан бошлаб Қўшма Штатлар «ҳар иккала томонни ўзаро ишончни мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўришга чақирмоқда».**

Матбуот котиби ўринбосарининг гапига қараганда, АҚШнинг бу борадаги фикри Б. Нетаньяху бошчилигидаги ҳукуматга бундан икки ҳафта аввал Оқ уйда Президент Клинтон билан учрашув чоғида етказилган.

Аслиддин БОЛИЕВ.

СУЯКЛАР ЖАМЛАНАДИГАН «БАНК»

Мисрнинг «Ал-Қаср Ал-Айний» шифохонасида Яқин Шарқда ягона, инсон ички аъзолари ва суяк бўлаклари жамланадиган «банк» ташкил этилди.

Бу банк шу кунгача 33 беморни у ёки бу аъзосини кесиб олиб ташлашдан қутқарди. Мисрдаги бу банкка қизиқиш кундан кунга ошмоқда. Зеро, у Яқин Шарқда очилган бу турдаги биринчи ва ягона муассасадир. Унда инсоннинг алмаштиришга ярайдиган аъзолари, бўғини ва пайчалари, суяклари сингари тана, аъзо бўлаклари жамланади. Улар биринчидан аварияга учраган, даволаш ва қутқариш ишлари фойда бермаган ҳолларда, ҳамда кесиб олинган у ёки бу аъзо ва уларнинг бўлакларини беморнинг розилигига кўра шу банкка топшириш ҳисобига тўпланади. Уларни сақлашга олишдан олдин бирон микроб ёки вирусга чалинмаганига тўла ишонч ҳосил қилинади. Шу тариқа текшириб олинган аъзо, бўғин, пайча сингари керакли бўлаклар ё 70 даража совуқда, ё қурутилган ҳолда сақланади. Уларни қайта ишлатишдан олдин хона ҳароратида сақланиши ва улар табиий ҳолига келганидан кейингина ишлатиш мумкин.

Биласизми?

АРАЛАШ-ҚУРАЛАШ

Дунёдаги энг катта суратлар галереяси 3 миллионга яқин сурат ҳамда археологик топилмалардан иборат бўлиб, у Санкт-Петербургдаги Эрмитажда сақланади. 2222 та экспозицияни айланиб чиқиш учун томошабин оз эмас, кўп эмас 25 километр юришига тўғри келади.

* * *

Оксфорд шаҳрида 1679 йилда қурилган музей дунёдаги энг қадимий санъат маскани ҳисобланади.

* * *

Инглиз Хоукине 17 ёшидаям бор-йўғи 5,44 килограмм тош «босиб», энг енгил одам дея танилгандир.

* * *

1983 йили Швейциядаги мотоклублардан бирида узунлиги 8 метр, 21 киши бемалол жойлаша оладиган мотоцикл яратилган эди. У ҳозирча ер юзидаги энг катта мотоциклдир.

Рўёми-риёми?

КЕЛГИНДИЛАР КЕТИДАН

Япония. Токиодаги ўзга сайёраликларни ўрганувчи ҳукумат кузатувчилари уларнинг навбатдаги «ташрифи»ни текширишни тўхтатишга мажбур бўлди. Чунки келгиндиларнинг космик кемадан тушганини кўрган 22 нафар гувоҳларнинг ўзлариям сирли равишда ғойиб бўлишганди.

— Ғойиб бўлганларнинг уйида ҳам бирор белги ёки ашёвий далил топмадик, — дейди ҳукумат вакили. — Худди ҳаммаси келгиндилар кетидан уларнинг «тарелка»сида учиб кетгандек. Ҳозирча гувоҳларни келгиндилар олиб кетган деган фаразларни айтиш мумкин.

ЧИҚИНДИЛАР МУАММОСИ

Жаҳон ва биз

Япония Халқаро Ҳамкорлик Бирлашмаси таклифига биноан Марказий Осиё мамлакатларидан бир гуруҳ экология мутахассислари Японияда бўлдик. Сафар давомида Японияда асосан атроф-муҳит муҳофазасидаги ютуқлар ва муаммолар билан танишдик.

Япония атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Бошқармаси ваколатига мамлакатда экологик давлат сиёсатини юргизиш, экологик мувозанатни сақлаш, атроф-муҳит ифлосланишига қарши чора-тадбирларни амалга ошириш, миллий парк ва қўриқхоналарни муҳофаза қилиш вазифаси киради.

Японияда экологик муаммолар асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўла бошлаган. 1945 — 1955 йилларда давлат органдари асосан чиқиндиларни қайта ишлаш ва канализация масалалари билан шуғулланишган. Бу даврда саноатни ривожлантириш натижасида минамата (50-йиллар ўртасида) касаллиги пайдо бўлган. Бунга сабаб «Асио» мис конида шахта чиқинди сувлари таркибидаги органик симоб Ватарасэ дарёси орқали шоли плантацияларига тушиб гуруч таркибига ўтади. Бу гуручни аҳоли истеъмол қилиши натижасида уларда марказий нерв фаолиятининг бузилишлари аниқланган. Шу вақтда Токиодаги Эдо дарёсининг қуйи қисми қоғоз ишлаб чиқариш фабрикаси чиқинди сувлари билан ифлосланиши натижасида балиқ хўжалигига катта зарар келтирилган ва уни истеъмол қилган аҳолида турли хил касалликлар пайдо бўлган.

1956-1970 йиллар Япония иқтисодининг юқори ривожланиш даври бўлган. Саноатни ривожлантириш — бу даврнинг асосий сиёсати эди. Бу даврда катта-катта саноат зоналари вужудга келади. Бунинг натижасида атроф-муҳит ифлосланиб, янги-янги муаммолар келиб чиқади. 1960 йиллардан бошлаб «Агано» дарёси саноат чиқинди сувлари таркибидаги метилли симоб билан ифлосланиши натижасида аҳолида иккинчи минамата касаллиги пайдо бўлди. Уша вақтлари Дзинцу дарёсининг саноат чиқинди сувларидаги кадмий билан ифлосланиши натижасида аҳолида итай-итай деган янги касаллик пайдо бўлади. Бу касаллик инсон буйраги иш фаолиятини бузиб, суякларини мўрт бўлиб қолишига олиб келган. Бу даврда жамоатчиликнинг атроф-муҳит ифлосланишига қарши чиқишлари, оммавий ахборот воситаларининг роли туфайли 1967 йили «Атроф-муҳит ифлосланишига қарши чора-тадбирлар тўғрисидаги асосий қонун» қабул қилинади ва шу қонунга асосан сув ҳавзаларини муҳофазалаш меъёрлари 1971 йили эълон қилинади. Шу билан бирга, 1970 йили завод ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари чиқинди сувларини назорат қилишни таъминловчи «Табиий сувларни ифлосланишдан сақлаш» қонуни қабул қилинади.

1980 йиллан кейин келиб чиққан экологик муаммо урбанизация билан боғлиқ. Япония аҳолисининг 70 фоизи катта шаҳарларда яшайди. Маиший чиқиндилар, автомобиллардан чиқадиган заҳарли газлар, оилалардан чиқадиган чиқинди сувлар ва табиий ресурсларни камайиши мамлакатнинг асосий муаммоларига айланади.

1981 — 1990 йиллар Япония иқтисодининг барқарор ривожланиш даври бўлган. Бу даврмобайнида 1965 йили ташкил қилинган ярим давлат жамоат ташкилоти — Япония Экология Корпорацияси томонидан бир қанча диққатга сазовор ишлар қилинди. Корпорация бу вақтда саноат зоналарини аҳоли яшаш жойларидан яшил буфер зоналари орқали ажратиш, яшил парклар қуриш билан шуғулланган.

Экологик муаммоларни ечишда, бизни мамлакатимиздаги каби, Япония давлатида иқтисодий стимуллар (рағбатлантиришлар) қўлланилянти. Бундай корхоналарга паст фоизда ссуда (қарз) берилади, солиқлардан озод қилинади ёки имтиёзли равишда солиқлар камайтирилади.

Ҳозирги бозор иқтисодига ўтишдек қийин вақтда, мамлакатимиз иқтисодий аҳволини тушунган ҳолда, кўп маблағ талаб қилмайдиган экологик тадбирларни амалга оширишимиз зарур. Болалар боғчалари, мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида экологик тарбияни, билимни йўлга қўйиб ёш авлодимизда Она-Ватанимиз табиатига бўлган меҳр-муҳаббатни уйготмоғимиз керак. Бу борада мамлакатимизда дастлабки қадамлар қўйилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда Орол муаммосидан кейинги йирик экологик муаммо бу чиқиндилардир. Тез орада бу муаммоларни ечишимиз, яъни катта шаҳарларимизда чиқиндиларни қайта ишлаш замонавий заводларини қуришимиз зарур.

Мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизда кўп қўшма корхоналар тузилди ва янги ишлаб чиқариш технологиялари кела бошлади. Шу замонавий технологияларни танлашда экологик талабларга алоҳида эътибор берилиши зарур. Ҳозир бутун дунёда кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияларга ўтиш замон талабига айланди.

Халилулла ШЕРИМБЕТОВ,
техника фанлари номзоди.

ДИЛ ВА ТИЛ УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида илк бор биринчи синф ўқувчилари муқобил дарсликлар асосида билим ола бошладилар. Биз ўзбек халқининг тили ва дилига мос, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тамойилига асосланган Талъат Ғаффорова бошчилигидаги ижодий гуруҳнинг «Савод» алифбеси, «Она тили», «Биринчи ёзув дафтари», «Иккинчи ёзув дафтари» мажмуасига хос хусусиятлар тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Алифбе-билимлар биносининг пойдевори. Бола дастлабки саводни ана шу дарслик ёрдамида олади. Биз «Савод» алифбесида савод ўргатиш ва ахлоқ-одоб тарбияси бирлиги бир бутун ҳолда ўз аксини топганлигидан хурсанд бўлдик.

Ҳар бир матн ҳикматли сўз, ибратли насиҳат ёки мақол билан хулосаланганлиги дарсликнинг қимматини оширган. «Ёшликда ўрганган илм тошга ўйилган нақшдир» деганларидек мазкур ҳикматларнинг ўқувчи хотирасида ўчмас нақш бўлиб қолиши ҳақиқатдир.

Дарсликдаги энг муҳим хусусиятлардан яна бири—савод ўргатиш унли товуш ва ҳарфлардан бошланганлигида. Чунки, унли товушлар инсонлар нутқида энг кўп қўлланади ва осон талаффуз қилинади. Савод ўргатишда товуш асос қилиб олинишини эътиборга оладиган бўлсак, болага осон талаффуз қилинадиган товуш ва унинг ёзувдаги ифодаси ҳарфни ўргатишда анча қулай. Дарсликдаги яна бир қулайлик ундаги матнларнинг имкони борича содда ва мазмунлилигида кўринади.

Дарсликдаги «Бўғин жадвали», «Кесма алифбо» каби иловалар ўқиш малакасини оширишга, тўғри ва сидирга ўқишга ёрдам берувчи манбалардир.

Биринчи синфлар учун яратилган мажмуанинг иккинчи китоби — «Она тили»да асосий эътибор ўқувчиларни тўғри ва саводли ёзишга ўргатиш билан уларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ўстиришга, истиқлол мафкураси, умуминсоний қадриятларни сингдиришга қаратилган.

Дарсликнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва Давлат байроғи рамзи билан ва шунга мос «Она тилим» шеъри билан бошланишида катта рамзий маъно бор, албатта. Китобдаги яна бир ижобий томон она тили таълимини болаларнинг хусусиятларига мос назмий матнлар билан боғлаб ўрганишда кўринади.

Буни китоб ҳаммуаллифи Эргаш Шодмонов қаламига мансуб йигирмага яқин шеърлар, тўртликлар орқали унли, ундош товушлар, сўз, гап, имлога доир қоидалар баёни тасдиқлайди.

Дарслик-мажмуа ҳақида яна айтиш мумкин бўлган гаплардан бири ундаги таълимий-тарбиявий тамойилларнинг Т. Ғаффорова ва Ҳ. Ғуломовалар томонидан тузилган дастурга мос тушишида ва шу асосда «Тадрис» (Методика) ёзилганлигидадир.

Биз бу қалдирғоч мажмуанинг Ўзбекистон Республикасининг истиқболига хизмат қилишига ишонамиз.

Суннатулла РИЗАЕВ,
Несиббой АВАЗБОЕВ.

Китоб — содиқ дўст

КЎЗГА СУРТСА АРЗИРЛИ

Ўтган аждодларимиз китобларни аввал ўпиб, кўзларига суртиб, сўнг мутолаани бошлаганлар. Момоларимиз бекордан бекорга уларни гўдакларининг бошларига нон билан ёнма-ён қўйишмаган. Улар нафақат китоблардан, балки бир парча қораланган қоғоздан ҳам ҳикмат қидирганлар ва топганлар.

Момоларимиз, боболаримиз кўзига суртиб, кўксига босиб асраган Ҳадиси шариф бизнинг ҳам жуда муқаддас ва ноёб хазинамиздир... Ва ниҳоят, юртдошларимиз интиқлик билан кутган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий Ҳадисининг иккинчи китоби ҳам Қомуслар бош таҳририяти томонидан 200000 нусхада Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Неъматуллоҳ Иброҳим таҳрири остида чоп этилди. Уни арабчадан Хожа Музаффар Набихон ўғли ва Хожа Бахтиёр Набихон ўғли ҳамкорликда ўзбек тилига таржима қилганлар.

Бу муборак мажмуада «Савдо-сотиқ китоби», «Топилмалар ҳақида китоб», «Хусуматлар ҳақида китоб», «Зулмкорлар ҳақида китоб», «Муқимликдаги гаров ҳақида китоб», «Гувоҳликлар китоби», «Васиятлар китоби» деб номланган қатор бўлимлар борки, улардаги ноёб битиклар барча мўмин-мусулмонларнинг қалбида имон ва эътиқод шамчироғини ёқиши шубҳасиз.

Хуллас, Ҳадиснинг ҳар бир саҳифасидан эзгулик ва яхшилик нафаси уфуради, уни қўлга олишингиз биланоқ ҳеч билимсиз ёғилгувчи нури ҳидоятдан кўнглингиз мунаввар бўлади. Хуллас, бу муборак китобга ошно бўлган инсон шубҳаю гумондан, таҳликаю васвасадан фориғ яшайди.

ШАМСИҚАМАР.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 4-mart, seshanba № 28 (22.112).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0141

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ТУПРОҚ ТАФТИНИ

Болалигимизда лойдан хилма хил буюмлар ясаб, тандир бошига қуритиш учун бир текис териб қўярдик. Уларнинг орасида чойнак пиёла, хум, кўза, чилобчину қумғондан тортиб, саватча ва унинг ичидаги мевачеваларигача бўларди. Эски-туски латта-путталарни йиғиб, ўзимизга қўғирчоқлар ясардик. Ма-

ҳалламиздаги кап-катта қизлар ҳам уй юмушларидан бўшашлари билан қўғирчоқ ва унга кўйлакча, камзулчалар тикишарди. Токи бу буюмлар ўз кўнглимиздагидек чиқмагунча қўймасдик...

Ҳозирги кичкинтойлар лой эмас, пластлин ўйнашади. Қанақа қўғирчоқ совға қилсангиз кўнишаверади: малласочми ёки мутлақо сочсизми — уларга барибир...

Момоларимиз янги туғилган чақалоқларни дастлаб лойли сувда чўмилтиришган. Шунда гўдакнинг танаси иссиқ-совуққа чидамли, бақувват бўлармиш. Ернинг ҳиди, тупроқ тафти одамзотга она кўксидек яқин бўлиши керак, дейишади улар.

Энди ўйлаб кўрсам, буларнинг ҳеч бири эрмак учун ўйлаб топилган ўйинлар ёки шунчаки удумлар бўлмаган экан.

Яқинда «Мусаввир» халқ амалий санъати республика фирмасида бўлиб, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 350 дан ортиқ халқ усталари: ёғоч ўймакорлар, кулоллар, мисгарлар, читгарлар, наққошлар, заргарлар томонидан яратилган амалий санъат дурдоналари билан танишиб, мўъжизалар оламига кириб қолгандек ҳис қилдим ўзимни. Ҳар бир гулнинг ўз ранги ва ҳиди бўлганидек бу ердаги қайси буюмни ушламанг, қўлларингиз қандайдир илиқлик ва ҳароратни сезади, кўнглингиз табиий бир нафасни ҳис қилиб ёришиб кетади. «Мусаввир» фаолият бошлаганига бор-йўғи 8-9 йил бўлган холос. Лекин, унинг асарлари Германия ва Америка Қўшма Штатларида аллақачон ўз қадри ва баҳосини топишга улгурган. «Мусаввир» ҳар йили икки мартадан энг катта жаҳон кўргазмаларида қатнашиб келмоқда. Шу кунгача фирма ижодкорлари 50дан ортиқ хорижий юртларда ўз асарларини намойиш қилишга муваффақ бўлдилар.

Риштон, Ҳонқа, Ғиждувон, Китоб, Ғурумсарой, Самарқанд, Урганч, Бухоро, Маргилон усталарининг қўли билан яратилган сандиқ, қумғон, ғултувак, офтоба, чойгум, от анжомлари ва бир-биридан гўзал кулолчилик идишларига қараб туриб ҳайратланмаслик мумкин эмас. Негаки, уларга тортилган ҳар бир чизиқ ёки ҳар бир нуқта тасодифий эмас, улар сизга ниманидир эслатади ва нимадир беради. Қадимда муқаддас Қурьонни лавҳга қўйиб ўқиганлар. Лавҳ бир бутун ёғочдан ҳеч қандай елимсиз ва бирорта михсиз фақат ўймакорлик йўли билан ишланган асарки, уни кўриб қадимги усталаримиз нечоғлик ўткир математик бўлганликларига тан берасиз. Геометрик ҳисоб-китоб билан кесилган лавҳ бутун Шарқ мамлакатларида машҳур бўлиб, араблар уни раҳли дейишган.

«Мусаввир» республика фирмасининг бош директори ажойиб наққош ва фидойи инсон Шоҳалил Шоёқубов ва фирманинг моҳир мусаввири, миниатюра санъатининг бетакрор устаси Ниёзали Холматовлар билан суҳбат асносида халқ амалий санъатининг жуда кўп сирларидан воқиф бўлдим. «Мусаввир» тоза пахта матога ўсимлик мойидан қўлда босиладиган, унутилиш даражасига бориб қолган читгарлик санъатини тиклашда бош-қош бўлди. Қадимги Афросиёбнинг — Самарқанднинг рамзи бўлмиш аждаҳолар сополдан шунчалар зукколик билан ишланганки, улар юртимизнинг улуғворлигини шундоққина ўзида акс эттириб туради.

— Ўлкамизда 12 хил анжомли қовоқ мавжуд экан, — дейди Шоҳалил ака. — Биз ўшаларни қидириб топдик. Айримларининг уруғларини хорижий юртлардан олиб келиб ўзимиз экиб, ўзимиз ўстириб қовокда ишланган миниатюра санъатини тикладик. Қовокдонларга сут соласизми, қатик, сув соласизми яхши туради. Табиийда, табиий нарса айнимайди. Лок миниатюрасини 80-йилларда биз бутунлай қайтадан кашф қилдик. Шундай ноёб санъатимиз 500 йил уйқуда бўлган Лок — тошқоғоз, бу картон қоғозни юқори босимда жипслаб қилинадиган маҳсулот. У темирдан енгил, ёғочдан қаттиқ бўлади. Юзига миниатюра чизилган аёлларнинг упадонларида заргарлик буюмлари сақланади. Улар жуда узоқ умр кўради, авлоддан-авлодга мерос бўлиб қоладиган ноёб санъат асари ҳисобланади. Бундан 150 -200 йил олдин йўқ бўлиб кетган қадимда сиркор деб аталган эмал санъатини ҳам яқинда қайта тикладик. Шаҳноза Мўминова деган тошкентлик қизимиз чиннидан шу қадар нозик баргаклар ясайдики. Чиннидан кўлда ясаб туриб кейин пиширишни бир тасавур қилиб кўринг!..

Тасаввур қилмоқчи бўламан. Лекин бу бир-биридан сирли ва чиройли буюмларнинг яратилиш жараёнини кўз олдингизга келтириш қийин экан. Шоҳалил ака темурийлар даврида давлат одамлари, ишбилармонлар, амалдорлар кўтариб юрган чармга босма усулда гул босилган — жуздонлар (деловая папка)ни ҳам бир-бир кўрсатиб таърифлаб бердилар. Вобкентдаги Уба қишлоғи усталари томонидан болалар учун ясалган хуштакларни томоша қилдик. Дарҳақиқат, қадимда ўйинчоқ фабрикалари бўлмаган. Отаоналар ўз қўллари билан меҳрини, тафтини қўшиб фарзандларига ўйинчоқлар ясаб беришган. Қанчалар таҳсинга лойиқ санъат — бу... Бутун дунёга машҳур бўлган раҳматли Ҳамробиби онахоннинг жиянлари Кубаро Бобоеванинг сополдан ясаган хуштаклари ер юзининг турли бурчакларига тарқалмоқда.

Касби хум ва кўзалари, Риштон чироқдонлари, Ургут кўзалари, водийликлар ишлаган саршуяк (аёллар учун махсус ясалган пардоз буюми)лар, гипсда ишланган ҳайкалчалар халқимиз тарихи, миллатимиз руҳининг такрорланмас тимсолларидир.

Шоҳалил ака хоразмлик 90 ёшли уста Райимберди Матчоновни «менинг отам» деб ифтихор ва ҳурмат билан тилга олади.

1978 йилда республика халқ усталари бирлашмаси тузилиб, унга Шоҳалил Шоёқубов раҳбар қилиб тайинланди. Ушанда бирлашмада 117 нафар уста фаолият кўрсатарди, уч йилдан кейин усталарнинг сафи бир ярим мингга етди. Аста-секин уларга шароит яратилди, устоз-шогирдлик анъаналари йўлга қўйилди. 1978 йилда халқ амалий санъатининг етти тури — кулолчилик, пичоқчилик, заргарлик, ёғоч ўймакорлик, ганжкорлик, наққошлик, заргарлик бор эди холос. Хозирги кунда унинг ўттизга яқин турлари билан Ўзбекистон усталари шуғулланишмоқда.

Шоҳалил Шоёқубов ва Ниёзали Холматовларнинг ҳикоя қилишларича энг кўп куч ва меҳнат сарфланиб тикланган санъат лок — миниатюра санъати бўлган. Хорижий юртлардан, дунё кутубхоналаридан манбалар қидирилиб олиб келинган. Иваново вилоятидаги Палех қишлоғида бутун дунёга машҳур рус миниатюрачилари яшайди. Улар билан алоқа ўрнатилиб ва яна жуда кўп изланишлар натижасида, тошқоғоз, чарм ва мато миниатюралари тикланди.

Бугунги кунда Ниёзали Холматов ўзининг йигирмадан ортиқ шогирдлари билан ҳамкорликда эмалга ишланадиган миниатюра (миноий усули ҳам дейиладди) санъатини йўлга қўймоқда. Шу усулда яратилган жажжи, лекин жуда катта билим ва меҳнат билан яратилган қутичаларни кўздан кечирар эканман, ҳақиқий санъат асарлари фақат инсон қўли билангина яратиларкан-да, деган хулосага келдим.

Ниҳоят, Ниёзали аканинг айтишича, бу асарларнинг қадри хорижий юртларда жуда баланд. Хорижликлар уларни қанча юқори нархда бўлмасин сотиб олишади ва кўзларига суртиб, кундалик буюм сифатида ишлатишади. Ҳолбуки, халқимизда олтин чиққан жойида қадрлидир деган ҳикмат бор.

Аслида бизга жуда оддий бўлиб кўринган нақшларда ҳаёт ўзининг бутун мураккабликлари билан акс этади. Уларни ўқишни, уқишни билган киши жуда кўп нарсадан баҳраманд бўлади.

Халқ амалий санъати халқимизнинг юзи, кўзи, обруси, тарихи, бугуни ва келажагидир. Дунёдаги барча давлатлар ҳам бундай ноёб хазинага эга эмас.

Шундай экан, бу санъат дурдоналарини энг аввало, ўзимиз қадрлайлик, уларга беписанд қарамайлик. Балки табиийликка интилиб яшаётгани учун ҳам тўқсон ёшли Райимберди отанинг қўллари ҳалиям мойбўёқ билан ишлаётганда қалтирамас... Лой ўйнаб, тупроқ чангаллаб улғайган болакайларнинг жажжи бармоқлари келажакда санъат сирларини кашф қилгувчи сеҳрли ва бақувват қўлларга айланади. Зеро, момоларимиз айтганидек, тупроқ тафтини сезиб, ернинг ҳидини ҳис қилиб яшайлик. Шунда шак-шубҳасиз, умримиз узун, руҳимиз тетик бўлади.

Миллат ва маънавият

СЕЗИБ ЯШАЙЛИК

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.
Суратларни Турғунбек МАҲКАМОВ олган.

Спорт

НАВБАТ — ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА

Тошкентда самбо кураши бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионати мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Турли вилоятлардан тўпланган самбочилар ғолиблик супасини кўзлаб, астойдил маҳорат кўрсатдилар. Хусусан, Шаҳрисабздан Фарҳод Хўжанов, чироқчилик Баҳодир Шоимов, Муҳаммаддўст Тошев ҳамда Самарқанд вилоятидан Мурод Назаров, Баҳодир Абдуллаев, Бухородан Шуҳрат ва Ботир Хўжаевлар, хоразмлик Тоҳир Бобожанов, ҳамда тошкентлик Акобир Қурбоновлар муваффақият қозониб, Ўзбекистон чемпиони бўлишди. Энди ана шу ғолиб самбочилар асосида тузилган мамлакат терма жамоаси Мўғилистонда ўтказиладиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўради.

МАВСУМОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ

Маълумки, мамлакат футбол терма жамоасининг Осиё кубоги учун курашда муваффақиятсизликка учрашидан мухлислар қаттиқ ранжишган эди. Айни кунларда терма жамоамиз янги кучлар билан тўлдирилган ва ёшарган таркибда бўлажак жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларига шайланмоқда. Бош жамоамизни Жамбулнинг «Тараз» (2:2), Тольяттининг «Лада» (4:0), Оқмоланинг «Целинник» (4:1) жамоалари билан ўйинлари мутахассису ишқибозларда яхши таассурот қолдирди. Футболчиларимизнинг жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари олдидан Германияга сафар қилиб, бир қатор ўртоқлик учрашувларида иштирок этиши мўлжалланган.

Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши тафтиш комиссияси мазкур комиссия аъзоси, Тошкент вилояти Паркент тумани «Паркент» ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси Аглам Турсуновга волидаи муҳтарамаси **Тожинисо ая СИДИҚОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Kunnoma

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

EL SOG'LIGINI O'YLAB

***TOSHKENT.** "Surunkali o`pka kasalliklarining tarqalishi va zamonaviy muolaja masalalari" mavzuida seminar o`tkazildi. Yig`in Germaniyaning "Beringer-Ingelxaym" firmasi homiyligida uyushtirildi. Istiqlol yurtimiz odamlari salomatligini mustahkamlashga bag`ishlangan bu yig`ilishda 200 nafardan ko`proq tibbiyot mutaxassisi ishtirok etdi. Ko`proq bronxial astmani davolash masalalari haqida mulohaza yuritildi.*

O'ZAN.

Shonazar IBROHIMOV olgan surat.

G'OLIBLARNI MUKOFOT KUTMOQDA

***FARG'ONA.** Shu yil kuzda o`tkaziladigan Qo`shiq bayramiga taraddud ko`rilmoqda. Vatan, istiqlol, shonli tarix va buyuk kelajak haqidagi qo`shiqlar guldastasini yaratish yo`lida sa`y-harakat qilinmoqda. G`oliblarni viloyat xalq ta`limi, ijtimoiy ta`minot, madaniyat va mudofaa ishlari boshqarmalari ta`sis etgan sovrinlar, "Mahalla", "Kamolot", "Oltin meros" hamda "Amir Temur" jamg`armalarining mukofotlari kutmoqda. O`ziga xos saralashdan keyin dastlab muvoffaqiyatga erishgan qo`shiqchilar yana bahslashdilar. Shundan so`ng mutlaq g`oliblar aniqlanadi.*

МЕЖРЕГИОНАЛЬНЫЙ ЦЕНТР "АЗИЯ-ВОЛГА"

УАЗ

РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ ЗАПАСНЫЕ ЧАСТИ К АВТОМОБИЛЯМ УАЗ В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ ПО БЕЗНАЛИЧНОМУ РАСЧЁТУ.

1. Блок управления
2. Вал карданный задний
3. Вал карданный передний
4. Вал коленчатый
5. Вал распределитель
6. Вкладыши стандартные
7. Вкладыши 05
8. Вкладыши 005
9. Головка блока
10. Гильза, поршень, кольца
11. Главный тормозной цилиндр
12. Главный цилиндр сцепления
13. Диск ведомый
14. Диск сцепления с кожухом
15. КПП, 452
16. КПП 469
17. Крестовина
18. Маховик в сборе
19. Мост редукторный передний
20. Насос масляный
21. Рулевое управления
22. Двигатель
23. Раздаточная коробка
24. Рабочий цилиндр сцепления
25. Прокладка головки блока
26. Стартер. И др. запасные части.



Со дня публикации объявления в течении 15 дней скидка на запасные части на 10%.
г. Ташкент ул. Навои 16-а. Ком. 221. Тел/факс: (3712) 41-52-41, 41-58-51.